# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2022 йил 12 апрель, № 75 (8137) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ТРАНСПОРТ ВА КОММУНАЛ СОҲАЛАРДАГИ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 11 апрель куни транспорт ва коммунал соҳалардаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.**

Мамлакатимиз ривожланганисари фуқаролар ҳаракатчанлиги, халқаро алоқалар кўлами ҳам ошиб бормоқда. Бу талабга мос равишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги қарорига мувофиқ, “Uzbekistan Airways” ва “Uzbekistan Airports” акциядорлик жамиятлари трансформация қилинмоқда.

2021 йил якунлари бўйича юртимиз аэропортлари орқали 5 миллион 400 минг йўловчи ва 82 минг тонна юк ташилган, хорижий авиакомпанияларга хизмат кўрсатиш ҳажми ошган. Харажатларни мақбуллаштириш бўйича кўрилган чоралар натижасида барча аэропортларнинг молиявий кўрсаткичлари яхшиланган.

Шу билан бирга, Самарқанд халқаро аэропорти янгидан қурилиб, ишга туширилди. Тошкент халқаро аэропортининг 2-терминали реконструкция қилиниб, ўтказиш қуввати 2 баробар оширилди. Қарши аэропортининг учиш зали янгиланди.

Бу ишларни изчил давом эттириш мақсадида мамлакатимиз аэропортларини 2035 йилга қадар ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган.

Тақдимотда ушбу стратегияни 2026 йилгача амалга ошириш дастури муҳокама қилинди.

Бунда аэропортларни ихтисослаштириш, жумладан, Тошкент аэропортини халқаро хаб, Навоий аэропортини юк ташиш хаби, Самарқанд ва Бухоро аэропортларини туризм хабларига айлантириш кўзда тутилган.

Тошкент халқаро аэропортини модернизация қилиш орқали йўловчиларни ўтказиш қувватини соатига 2 минг 400 нафарга ошириш, рўйхатдан ўтиш, паспорт назорати ва самолётга чиқиш йўлакларини кўпайтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари аэропорт ходимларининг дунёқараши ва малакасини ошириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш вақтини қисқартириш зарурлигини таъкидлади.

Маълумки, Фарғона водийсидаги учта — Андижон, Наманган ва Фарғона аэропортлари шаҳарлар ичида жойлашгани ва атрофи бино-иншоотлар билан зич ўралгани сабабли уларни кенгайтириш имконияти чекланган. Шу боис учта вилоятнинг ўртасида янги халқаро аэропорт қуриш таклиф этилмоқда.

“Тошкент — Шарқий” аэропортининг бош режаси ҳам муҳокама қилинди. Бухоро ва Урганч аэропортларида янги йўловчи терминаллари қуриш, шунингдек, ҳудудлараро лоукостер авиакомпанияси фаолиятини йўлга қўйиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз аэропортларда хизматларни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, нархларнинг оммабоплигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда иссиқлик таъминоти тизимини янгилаш ва қамровини оширишга оид режалар ҳам кўриб чиқилди.

Охирги тўрт йилда ҳудудларда 47 та қозонхона қурилиб, қарийб 80 километр тармоқ ётқизилгани қайд этилди.

2022 — 2026 йилларда яна 172 та қозонхона ва 482 километр тармоқни янгидан қуриш, 109 та қозонхона ва 543 километр тармоқни модернизация қилиш кўзда тутилган. Буларнинг натижасида марказлашган иссиқлик таъминоти билан қамраб олиш даражаси ҳозирги 52 фоиздан 66 фоизга етади.

Айрим қозонхоналарда когенерацион газ турбинасини ўрнатиш орқали электр энергияси ҳам ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбари иссиқлик ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тизимини рақамлаштириш, соҳада давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, иссиқлик таъминоти корхоналарини молиявий соғломлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 15 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 17 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, №12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **232-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) қуйидаги мазмундаги **$232^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$232^{1}$-модда. Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашиш**

Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашиш, яъни ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилишни ёки давлат ижрочисига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказишни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ТИББИЁТДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ФАОЛИЯТИГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ВА СОҲА ХОДИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Замонавий тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш, нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан янги форматдаги “Тиббиётдаги ислоҳотлар — инсон қадри учун” мавзусидаги очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки:

**юқори малакали ва малакали мутахассислар тоифасига кирмайдиган бошқа чет эл фуқароси бўлган шифокорлар учун** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома берганлик учун йиғим миқдори 6 бараварга камайтирилиб, **базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида ундирилади**;

Ўзбекистон Республикасига қисқа муддатга (бир ойгача), шу жумладан, диагностика ҳамда даволаш амалиётларини бажариш, тажриба алмашиш дастурлари, маҳорат дарслари ўтказиш ва маърузалар ўқиш, ходимлар малакасини ошириш мақсадида келаётган чет эл мутахассисларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида **меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома олиш талаб этилмайди**;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслардан даволаш муассасалари томонидан ундириладиган **туристик (меҳмонхона) йиғим бекор қилинади**;

даволаш муассасалари (бундан санаторий ва пансионатлар мустасно) учун туристик хизматларни сертификатлаштиришга бўлган **талаб бекор қилинади**. Бунда, даволаш муассасалари томонидан ташриф буюрувчиларни ҳисобга олиш автоматлаштирилган махсус дастур орқали электрон шаклда амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2863-сон қарорида назарда тутилган, юридик шахслар томонидан, шу жумладан, лизинг шартномаси асосида олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда сарфлаш материаллари учун божхона имтиёзларининг амал қилиш муддати **2025 йил 1 январга** қадар узайтирилсин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг **тиббиёт асбоб-ускуналари ва буюмларининг эҳтиёт қисмларини ҳамда тиббиёт мақсадлари учун сарфлаш материалларини** ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхатларга асосан, **2025 йил 1 январга қадар** Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу банддан келиб чиқиб, Солиқ кодексига 2025 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича имтиёзларни назарда тутувчи ўзгартиш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббиёт олий таълим муассасаларининг клиник базаларини ташкил этиб, уларда шифокор ва ҳамширалар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш;

малака тоифаси олиш учун талаб этиладиган иш стажи муддатини қисқартирган ҳолда, тоифасиз ходимларга 3 йил, биринчи тоифа учун — 5 йил, олий тоифа учун — 7 йил этиб белгилаш.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** тегишли меъёрий ҳужжатларга хусусий тиббий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар учун лицензия олишда санитария ва қурилиш талабларини соддалаштириш бўйича ўзгартиришлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев белгилансин.

9. Фармоннинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 11 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАРНИ ОММАВИЙ СПОРТГА ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Маҳаллаларда ёшлар ўртасида оммавий спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни оммавий спортга жалб этишни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 67-мақсадида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун:

1. Қуйидагилар **оммавий спортни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин**:

маҳаллаларда ёшларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун **моддий-техник базани мустаҳкамлаш** ва спорт иншоотларини замонавий **спорт жиҳозлари билан таъминлаш**, шунингдек, имконияти чекланган ёшлар учун тегишли спорт инфратузилмасини яратиш;

аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, улар ўртасида **оммавий спорт мусобақаларини ташкил этиш** орқали ёшларнинг оммавий спортдаги улушини ошириш;

оммавий спорт билан мунтазам шуғулланувчи оилаларга маҳаллалар ва истироҳат боғларида шароит яратиш ва **оилавий спортни рағбатлантириш** механизмларини жорий этиш;

оммавий спорт тадбирлари давомида ўқувчилари ғолиб ва совриндор бўлган умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва спорт-таълим муассасаларининг тренерлари **меҳнатини муносиб рағбатлантириш** ва уларнинг фаолият олиб бориши учун шароит яратиш.

2. **Маҳаллаларда ёшлар ўртасида оммавий спортни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқ саломатлиги миллий кенгаши** (А.Н.Арипов):

ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб қилиш, шу жумладан, мазкур Дастурда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши юзасидан масъул вазирлик, идора ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштирсин;

маҳаллаларда оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини самарали ташкил этсин, уларга услубий кўмаклашсин ва мусобақалар самарадорлигини баҳолаш рейтинг тизимини жорий қилсин;

(Давоми 3-бетда).

Ишчи гуруҳ йиғилиши

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ КОДЕКСИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш, соҳага янги бошқарув усулларини жорий этиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.*

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг дастлабки давридаёқ ислоҳотларни айнан тиббиёт соҳасини изчил ривожлантиришдан бошлади. Натижада ҳудудларда бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш тизими такомиллаштирилди. Ўтган йилдан бошлаб, ҳар бир маҳаллада хонадонбай ишлайдиган тиббий бригадалар ташкил этилди. 2021 йилдан бирламчи бўғинда аҳолини 66 турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди.

Юртбошимиз раҳбарлигида тиббиёт соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган бу каби кенг кўламли ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. Аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари янада кенгаймоқда.

3

## МИЛЛАТ ҒУРУРИНИНГ ТИМСОЛИ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

*Пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида буюк аждодимиз, йирик давлат арбоби, илм-фан раҳнамоси, моҳир саркарда, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 686 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

Эҳтиром

Унда давлат ва жамоат арбоблари, хорижий дипломатик корпус вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда талаба-ёшлар қатнашди.

Тадбир аввалида Амир Темур ҳайкали пойига гул қўйилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Соҳибқироннинг мамлакатимиз ва жаҳонда тутган ўрни, ҳаёти ҳамда саркардалик фаолияти ҳақида тўхталди.

4

Муносабат

## КЕЛАЖАГИМИЗГА ДАХЛДОР МАСАЛА

**“Халқ сўзи” газетасининг шу йил 31 март сонида чоп этилган “Ҳар кунги мўъжиза”. У тизимли ислоҳотларга муҳтож” сарлавҳали мақолада миллий тараққиётимизга, юртдошларимизнинг ижтимоий фаоллиги ўсишига, фуқаролик жамияти мустаҳкамланишига бевосита дахлдор масала кўтарилган.**

“Ахборот портлаши” юз берган замонавий жамиятда одамлар тарқатилаётган барча маълумотнинг тўғрилигини, холислигини текшириб, таҳлил қилиш имкониятига эга эмас. Айниқса, электрон оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар, телеграм каналлари тарқатаётган маълумотлар оқимини. Бу жисмоний жиҳатдан ҳам (ахборот кўплиги сабабли), ахборот манбалари аксарияти ярим-ёпиқлиги, конфиденциаллиги, баъзилари махфийлиги туфайли ҳам имконсиз. Холис ёки фейк-ахборотни оддий истеъмолчи фақат ўз эътиқоди, ички туйғусидан келиб чиқиб ажратиши мумкин. Ўшанда ҳам манбаларни текширишнинг иложи йўқлиги сабабли кишида иккиланиш йўқолмайди.




Бундай шароитда босма оммавий ахборот воситалари (ОАВ) аҳамияти бутун дунёда ортмоқда. Зеро, уларда ахборот шунчаки баён қилинмайди. Таҳририятнинг анъаналари, жамоавий масъулияти, муаллифнинг шахсий масъулияти, таҳлил ва шарҳ каби омиллар ахборотни танлаш ва тарқатишга, ўқувчиларга тушунарли баён қилинишига ўз таъсирини кўрсатади.

4

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **39$^{1}$-модда биринчи қисмининг 10-бандидаги** «суд қарорини бажармасликка» деган сўзлар «суд ҳужжатини ижро этмасликка, суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашишга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **345-модданинг иккинчи қисмидаги** «233 – 236» рақамлари «232$^{1}$ – 236» рақамлари билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **16-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур шахслар ижро ҳужжатини ижро этмаганлиги, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунчиликни, йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганлиги учун ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жавобгар бўлади»;

2) **198$^{2}$-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи – бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қонунчиликда назарда тутилган йирик битимларни тузишда, айрим турдаги молия-кредит хизматларини, халқаро йўловчи ташиш хизматларини ва давлат хизматларини кўрсатишда ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлик мавжудлиги текширувини амалга оширмаганлик, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларига тақдим этилгунига қадар айрим тоифадаги ижро ҳужжатларининг ижро этилишини таъминламаганлик, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашиш, яъни ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш ёки давлат ижрочисига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

3) **245-модданинг биринчи қисмидаги**:

«101-моддасининг биринчи (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида) ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «101» рақами билан алмаштирилсин;

«198» рақами «198-моддаларида, 198$^{2}$-моддасининг бешинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **245$^{3}$-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларига ушбу Кодекснинг 198$^{1}$-моддасида ва 198$^{2}$-моддасининг биринчи – тўртинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир»;

5) **248-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари ушбу Кодекснинг 101-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модданинг иккинчи қисмидаги** «уч кунлик муддат ичида» деган сўзлар «кейинги иш кунидан кечиктирмай» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модда биринчи қисмининг 11-бандидаги** «қонун ҳужжатларида» деган сўзлар «қонунда» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **8$^{1}$**, **8$^{2}$** ва **8$^{3}$-моддалар** билан тўлдирилсин:

### «8$^{1}$-модда. Ижро ҳужжатларининг Мажбурий ижро бюроси органларига тааллуқлилиги

Ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади, бундан Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бошқармаларига ва марказий аппаратига тааллуқли ижро ҳужжатлари мустасно.

Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бошқармалари:

турли туманларда (шаҳарларда) жойлашган бир нечта қарздорга, шу жумладан солидар жавобгарлиги бўлган қарздорларга нисбатан берилган ижро ҳужжатларини;

ижро ҳужжати тақдим этилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик минг бараваридан юз минг бараваригача миқдордаги суммани ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатларини;

чет давлатнинг резиденти бўлган қарздор юридик шахсга нисбатан ижро ҳужжатларини ижро этади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ижрочилари ёхуд уларнинг ўринбосарлари алоҳида ҳолатларга қараб ҳар қандай ижро ишини Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимларидан олиб қўйишга ва уни ўз иш юритувига қабул қилишга ҳақли.

Мажбурий ижро бюросининг марказий аппарати:

турли вилоятларда жойлашган бир нечта қарздорга, шу жумладан солидар жавобгарлиги бўлган қарздорларга нисбатан берилган ижро ҳужжатларини;

ижро ҳужжати тақдим этилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдоридаги ва ундан ортиқ миқдорлардаги суммани ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатларини;

чет давлатларга, уларнинг давлат органларига, чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналарига ва консуллик муассасаларига, халқаро ҳукумат ташкилотларига ва уларнинг ваколатхоналарига, шунингдек уларнинг дипломатик иммунитетга эга бўлган ходимларига нисбатан берилган ижро ҳужжатларини ижро этади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ижрочиси ёхуд унинг ўринбосари алоҳида ҳолатларга қараб ҳар қандай ижро ишини Мажбурий ижро бюросининг органидан олиб қўйишга ва уни ўз иш юритувига қабул қилишга, ижро ишини Мажбурий ижро бюросининг бир органидан бошқа органига ўтказишга ҳақли.

### 8$^{2}$-модда. Айрим тоифадаги ижро ҳужжатларининг ижро этилишини улар Мажбурий ижро бюроси органларига тақдим этилгунига қадар таъминлаш

Қуйидаги ижро ҳужжатлари Мажбурий ижро бюроси органларига тақдим этилгунига қадар ундирувчи томонидан тегишли давлат органига, ташкилотга ёки унинг мансабдор шахсига ижросини таъминлаш учун топширилади:

юридик шахсдан пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари – қарздор юридик шахсга ҳисобварақлар бўйича хизмат кўрсатувчи банк муассасасига ёки бошқа кредит ташкилотига (бундан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари мустасно);

давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин юзага келадиган мулкий ҳуқуқларни белгилаш тўғрисидаги ёки уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги ижро ҳужжатлари – тегишли мулкий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи давлат органларига ва ташкилотларга;

қимматли қоғозларга бўлган мулк ҳуқуқини белгилаш ёки қимматли қоғозларнинг миқдори ва тури бўйича аниқланадиган юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни белгилаш тўғрисидаги ёхуд қимматли қоғозларга бўлган мулк ҳуқуқини ҳисобга олишга доир мажбурият юклатилишини назарда тутувчи ижро ҳужжатлари – қимматли қоғозларга бўлган мулк ҳуқуқини ижро ҳужжатида кўрсатилган шахс номига ҳисобга қўйиш мақсадида ваколатли органга (ташкилотга);

ишга тиклаш ҳақидаги ижро ҳужжатлари – ишга тиклаш ваколати берилган иш берувчига;

иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари – иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириши шарт бўлган тегишли иш берувчига (ташкилотга);

қарздор давлат органи, ташкилот ёки унинг мансабдор шахслари тўғрисидаги ёхуд уларнинг зиммасига мажбуриятлар юклатилишини назарда тутувчи ижро ҳужжатлари – қарздор давлат органига, ташкилотга ёки унинг мансабдор шахсига ёхуд ижро ҳужжатида ўз зиммасига мажбуриятлар юклатилган давлат органига, ташкилотга ёки унинг мансабдор шахсига;

маъмурий жарима солиш ҳақидаги ижро ҳужжатлари – иш ҳақини ёки бошқа даромадни, пенсияни ёки стипендияни тўлашни амалга оширувчи ташкилотга (бундан ҳуқуқбузар ишламаётган ёки унинг иш жойи номаълум бўлган ҳоллар мустасно). Ушбу тартиб суднинг маъмурий жарима солиш тўғрисидаги ижро ҳужжатларига нисбатан қўлланилмайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ижро ҳужжатлари ўзига ушбу ҳужжатлар тақдим этилган давлат органи, ташкилот ва мансабдор шахслар томонидан, агар ижро ҳужжатларида бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, улар тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, банкларга тақдим этилган юридик шахсдан пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари эса кейинги иш кунидан кечиктирмай банк томонидан ижро этилади.

Ишга тиклаш ҳақидаги ижро ҳужжатлари ишга тиклаш ваколати берилган иш берувчига ижрони таъминлаш учун ундирувчи томонидан ижро ҳужжати тақдим этилган кундан кейин дарҳол ижро этилади.

Айрим тоифадаги ижро ҳужжатлари ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган муддатларда давлат органи, ташкилот ёки унинг мансабдор шахси томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаган тақдирда, ундирувчи томонидан ижро ҳужжати Мажбурий ижро бюроси органларига тақдим этилади ҳамда айбдор шахслар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.

### 8$^{3}$-модда. Мажбурий ижро бюроси органларига тақдим этилаётганда ижро ҳужжатларига илова қилиниши керак бўлган ҳужжатлар

Мажбурий ижро бюроси органларига тақдим этилаётганда ижро ҳужжатларига қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

1) ушбу Қонуннинг 8$^{2}$-моддасида кўрсатилган айрим тоифадаги ижро ҳужжатлари тегишли давлат органига, ташкилотга ёки унинг мансабдор шахсига тақдим этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

2) истеъмол қилинган энергия ресурслари ва ичимлик суви учун мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги ариза ваколатли органга ёки мансабдор шахсга берилгунига қадар қарздор юридик шахс (бундан қонунчиликка биноан тармоқлардан узилишига йўл қўйилмайдиган истеъмолчилар мустасно) энергия ресурслари тармоқларидан ва сув таъминотидан узилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

3) ундирувни гаров билан таъминланган мол-мулкка қаратиш ҳақидаги ижро ҳужжатлари бўйича гаров тўғрисидаги шартнома;

4) солиқ қарзини ундиришга доир ижро ҳужжатлари бўйича инкассо топшириқномаларининг (тўлов ҳужжатларининг) санаси, рақами ва суммаси тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек ушбу мол-мулк хатланган тақдирда, мол-мулкни хатлаш ҳақидаги қарор ва баённома.

Мол-мулкни давлат даромадига ўтказишни назарда тутувчи ижро ҳужжатларига илова қилиниши керак бўлган ҳужжатлар қонунчиликка мувофиқ белгиланади»;

4) **23-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ижрочиси ижро ҳужжатини суддан ёки уни берган бошқа органдан ёхуд ундирувчидан (агар ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати ўтмаган ва мазкур ҳужжат ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлса) ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни қўзғатиши шарт (бундан ушбу Қонуннинг 3$^{1}$-бобида назарда тутилган ҳоллар мустасно). Агар қонунчиликда ижро ҳужжатларининг айрим турларига доир мажбурий иловалар назарда тутилган бўлса, улар давлат ижрочисига ижро ҳужжати билан бирга тақдим этилиши керак»;

5) **30-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро ҳаракатлари ва ижро ҳужжатининг талаблари ижро ҳужжатининг ихтиёрий ижро этилиши учун ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида давлат ижрочиси томонидан амалга оширилиши ва ижро этилиши керак»;

6) **32-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, шунингдек уларнинг ҳудудий бўлинмалари давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича ижрони қарздор тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги ариза билан ижро ҳужжатини берган судга ёки бошқа органга мурожаат қилишга ҳақли»;

**иккинчи**, **учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **учинчи**, **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

7) **32$^{1}$-модда**:

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**32$^{1}$-модда. Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш**»;

қуйидаги мазмундаги **биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат ижрочиси жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этишни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқариш билан бир вақтда ҳукм қилинган шахснинг ёки қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ҳақидаги қарор қабул қилиши шарт»;

**биринчи қисми иккинчи қисм** деб ҳисоблансин;

8) **34-модда**:

**биринчи қисмининг 2-банди** чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **2$^{1}$-банд** билан тўлдирилсин:

«2$^{1}$) қарздор муомалага лаёқатсиз деб топилганда»;

9) **35-модда**:

**биринчи қисмининг 6-банди** чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **4-банд** билан тўлдирилсин:

«4) ундирувчи илтимос қилганда»;

10) **40-модданинг биринчи қисми** «ундирув» деган сўздан кейин «(талаб)» деган сўз билан тўлдирилсин;

11) **42-модда**:

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздор жисмоний шахсни, олиб қўйилиши лозим бўлган болани, қарздор юридик шахсни ва қарздорнинг (жисмоний ёки юридик шахснинг) мол-мулкини қидириш Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан амалга оширилади. Автомототранспорт воситасини қидириш давлат ижрочисининг қарори билан ички ишлар органларининг зиммасига юклатилиши мумкин»;

**бешинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Автомототранспорт воситасини қидириш бўйича харажатлар ички ишлар органининг аризасига кўра, қарздор жисмоний шахсни, олиб қўйилиши лозим бўлган болани, қарздор юридик шахсни ва қарздорнинг (жисмоний ёки юридик шахснинг) мол-мулкини қидириш бўйича харажатлар эса тегишли давлат ижрочиси томонидан қилинган харажатлар ҳисоб-китоби асосида аниқланади»;

12) **42$^{1}$-модданинг биринчи қисми** «бундан жарима тариқасидаги жиноий жазо бўйича ижро ишини юритиш ҳоллари мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13) қуйидаги мазмундаги **3$^{1}$-боб** билан тўлдирилсин:

## «3$^{1}$-БОБ. ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ИШИНИ ЮРИТИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИДА ИЖРО ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

### 43$^{1}$-модда. Ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартиби

Ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибида мажбурий ижро этиш ундирув қарздорнинг мол-мулкига (бундан пул маблағлари мустасно) қаратилмаган ҳамда қарздорга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилмаган ҳолда амалга оширилади. Бунда қарздорга нисбатан фақат ушбу Қонун 43$^{2}$-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган мажбурий ижро этиш чоралари қўлланилиши мумкин.

Ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартиби қарздор жисмоний шахслардан маъмурий жарималарни, солиқ қарзини ва давлат божини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларига нисбатан татбиқ этилади.

Ижро ишини соддалаштирилган тартибда юритиш бўйича давлат ижрочиси томонидан қарорлар қабул қилинмайди (бундан ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор мустасно), ундирув қарздорнинг яшаш жойига ёки мол-мулки турган жойга бормаган ҳолда, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан масофадан туриб амалга оширилади.

Агар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ижро ҳужжатлари уларни ижрога топшириш муддати ўтиб кетганидан кейин юборилган бўлса ёки ушбу Қонуннинг 8 ва 8$^{3}$-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, давлат ижрочиси ижро ҳужжатларини улар келиб тушган пайтдан эътиборан бир иш куни ичида қайтариб юборади.

Давлат ижрочиси ижро ҳужжати келиб тушган пайтдан эътиборан бир иш куни ичида қарздорга ижро ҳужжатидаги талабларни ушбу Қонуннинг 22$^{1}$-моддасида назарда тутилган тартибга мувофиқ ижро этиш ҳақида хабарнома юборади.

Ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда ижро этиш учун қарздорга у хабарномани олган кундан эътиборан беш кунлик муддат берилиб, бу ҳақда хабарномада кўрсатилади.

Қарздор ушбу модданинг олтинчи қисмида белгиланган муддатда ижро ҳужжатининг талабларини узрли сабабларсиз ихтиёрий тартибда бажармаган тақдирда, давлат ижрочиси томонидан қарздорга нисбатан ушбу Қонуннинг 43$^{2}$-моддасида назарда тутилган мажбурий ижро этиш чоралари қўлланилади ва қарздордан белгиланган тартибда ижро йиғими ундирилади.

Ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибидаги мажбурий ижро этиш чоралари ушбу модданинг олтинчи қисмида белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда қўлланилади. Ушбу муддатга қарздорнинг иш ҳақидан, стипендиясидан, пенсиясидан ва бошқа турдаги даромадларидан пул маблағлари ушлаб қолинган вақт кирмайди.

Ундирув тўлиқ амалга оширилган ижро ҳужжати бўйича ижро ишини соддалаштирилган тартибда юритишда мазкур қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) ёхуд суд унинг ижро этилганлиги ҳақида ижро ҳужжати тўлиқ ижро этилган кундан кейинги кундан кечиктирмай хабардор қилинади.

Ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибида қўлланиладиган мажбурий ижро этиш чоралари натижасиз бўлган тақдирда ижро ҳужжати ва ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор ушбу Қонунда белгиланган умумий тартибда ижро этилади. Бунда қарздордан ижро йиғими қўшимча ундирилмайди.

### 43$^{2}$-модда. Ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибида қўлланиладиган мажбурий ижро этиш чоралари

Давлат ижрочиси ижро ҳужжатини ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибида ижро этишда қуйидаги мажбурий ижро этиш чораларини қўллайди:

1) ундирувни қарздор жисмоний шахснинг банклардаги ҳисобварақларида турган пул маблағларига қаратиш;

2) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кўп бўлмаган миқдордаги суммани ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни қарздор жисмоний шахснинг иш ҳақига, стипендиясига, пенсиясига ва бошқа турлардаги даромадларига қаратиш.

Ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибида ундирувни қарздор жисмоний шахснинг банклардаги ҳисобварақларида турган пул маблағларига қаратиш, қоида тариқасида, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда амалга оширилади. Бунда ундирувни қарздор жисмоний шахснинг банклардаги ҳисобварақларида турган пул маблағларига қаратиш тартиби Мажбурий ижро бюроси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Ижро ҳужжати ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибида мажбурий ижро этилганда ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа мажбурий ижро этиш чораларини, шунингдек қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиши учун вақтинча чеклов чораларини қўллашга йўл қўйилмайди, шунингдек ижро ҳужжати талабларини бажармаганлиги учун қарздор жисмоний шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўлланилиши мумкин эмас»;

14) **44-модда** «бундан ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибида ижро ҳужжатларини ижро этиш ҳоллари мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

15) **64-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган **«Банк сири тўғрисида»**ги 530–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 6, 524-модда) **10-моддасининг иккинчи қисмидаги** «мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан қўзғатилган ижро иши бўйича» деган сўзлар «мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан давлат ижрочисининг иш юритувида бўлган ижро иши бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»**ги 712–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–483-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 428-модда; 2019 йил, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **21-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича ижрони қарздор тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги ариза билан ижро ҳужжатини берган судга ёки бошқа органга мурожаат қилиш»;

**еттинчи – йигирма биринчи хатбошилар** тегишинча **саккизинчи – йигирма иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»**ги ЎРҚ–440-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 8, 384-модда; 2019 йил, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **8-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича ижрони қарздор тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги ариза билан ижро ҳужжатини берган судга ёки бошқа органга мурожаат қилиш»;

**еттинчи – ўн биринчи хатбошилар** тегишинча **саккизинчи – ўн иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**9-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 11 апрель
№ ЎРҚ—762

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАРНИ ОММАВИЙ СПОРТГА ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

оммавий спорт мусобақалари ташкил қилинадиган олимпия, ноолимпия ва миллий спорт турлари рўйхатини тасдиқласин;

ёшларни оммавий спортга жалб қилиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижросини ва ҳар йили икки мавсумда оммавий спорт мусобақалари ўтказилишини таъминласин ҳамда барча босқич натижаларини таҳлил қилсин ва тизимли мониторингини олиб борсин;

оммавий спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли қарорларни қабул қилсин, "йўл хариталари", дастурларни тасдиқласин ҳамда бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2022 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда **30 июнь — Ўзбекистон Республикаси ёшлари куни** ҳамда декабрь ойида ўтказиладиган "**Ёшлар форуми**" доирасида спортнинг **футбол**, **минифутбол**, **волейбол**, **енгил атлетика**, **шахмат**, **шашка**, **стол тенниси**, **стритбол**, **воркаут** турлари бўйича **беш босқичли** оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш тизими жорий этилади:

**биринчи босқичда** — кўчалараро маҳалла мусобақалари;

**иккинчи босқичда** — маҳаллалараро сектор мусобақалари;

**учинчи босқичда** — сектор мусобақаларида ғолиб бўлган маҳалла жамоалари ўртасида туман (шаҳар) мусобақалари;

**тўртинчи босқичда** — туман (шаҳар) мусобақалари ғолиб маҳалла жамоалари ўртасида вилоят мусобақалари;

**бешинчи босқичда** — вилоят мусобақаларида ғолиб бўлган маҳалла жамоалари ўртасида республика (финал) мусобақалари.

Бунда, мазкур кичик бандда кўрсатилган оммавий спорт мусобақалари маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, китобхонлик, маданият ва санъат, интеллектуал ўйинлар, ахборот технологиялари ҳамда спорт турлари бўйича ташкил этилаётган беш босқичли **"Беш ташаббус олимпиадаси"** доирасида ўтказилади;

б) **2023 йил 1 мартдан** бошлаб олимпия, ноолимпия ва миллий спорт турлари бўйича **уч босқичли умумреспублика спорт мусобақаларини** ўтказиш тизими жорий қилинади:

**биринчи босқичда** — туман (шаҳар) мусобақалари;

**иккинчи босқичда** — вилоят мусобақалари;

**учинчи босқичда** — республика (финал) мусобақалари.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов) олимпия, ноолимпия ва миллий спорт турлари бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш дастурининг ишлаб чиқилиши, спорт мусобақалари ўтказиладиган спорт объектлари инфратузилмасининг яхшиланиши ва зарур спорт инвентарлари билан жиҳозланиши, спорт мусобақаларининг юқори даражада ташкил этилиши ҳамда ғолиб ва совриндорларнинг муносиб рағбатлантирилишини таъминласин.

5. Белгилансинки:

а) **"Беш ташаббус олимпиадаси"** доирасидаги спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш:

**маҳалла босқичида** — Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Спортни ривожлантириш вазирлиги;

**сектор босқичида** — сектор раҳбарлари;

**туман (шаҳар) босқичида** — туман (шаҳар) ҳокимлари;

**вилоят босқичида** — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари;

**республика (финал) босқичида** — Спортни ривожлантириш вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги томонидан амалга оширилади.

Бунда, мусобақаларнинг ҳар бир босқичида ғолиб бўлган ёшлар ушбу кичик бандга масъул давлат органлари ва ташкилотлари томонидан рағбатлантирилади;

б) олимпия, ноолимпия ва миллий спорт турлари бўйича **уч босқичли умумреспублика спорт мусобақаларини** ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш:

**туман босқичида** — туман (шаҳар) ҳокимлари, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Спортни ривожлантириш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари;

**вилоят босқичида** — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарлари, олий таълим муассасалари ректорлари;

**республика (финал) босқичида** — Спортни ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан амалга оширилади.

Бунда, мусобақаларнинг ҳар бир босқичида ғолиб бўлган ёшлар ушбу кичик бандга масъул давлат органлари ва ташкилотлари томонидан рағбатлантирилади.

6. Қуйидагилар **"Беш ташаббус олимпиадаси"** ҳамда олимпия, ноолимпия ва миллий спорт турлари бўйича уч босқичли умумреспублика спорт мусобақаларини **молиялаштириш манбалари этиб белгилансин**:

**"Беш ташаббус олимпиадаси"** доирасидаги спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш ва ўтказиш учун Спортни ривожлантириш вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан **2022 йилдан бошлаб** ҳар йили **50 миллиард сўм** миқдордаги маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари;

жамғармалар, спорт федерация (ассоциация)лари, клублари, хорижий инвесторлар, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов):

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда уч ой муддатда ҳудудларда ёшларни оммавий спортга кенг жалб қилиш мақсадида болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг йўриқчи-услубчи штат бирликлари ҳисобига болалар-ўсмирлар спорт мактаби директорининг **оммавий спортни ривожлантириш ва селекция бўйича ўринбосари** лавозимини жорий этсин;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Касимов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда спорт турлари бўйича **туман (шаҳар)ларнинг терма ва сектор жамоаларини шакллантирсин ва спорт-таълим муассасаларига иқтидорли ёшларни саралаб олиш бўйича масъул этиб белгилансин**.

8. Шундай амалиёт жорий қилинсинки, унга мувофиқ **"Беш ташаббус олимпиадаси"** ҳамда олимпия, ноолимпия ва миллий спорт турлари бўйича уч босқичли умумреспублика спорт мусобақалари давомида ғолиб ва совриндорларни (1 — 3 ўрин) тайёрлаган умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва спорт-таълим муассасаларининг тренерлари **малака аттестациясига жалб этилмайди ва уларга қуйидаги малака тоифалари тўғридан-тўғри берилади**:

туман (шаҳар) босқичи мусобақаларида ғолиб ва совриндорларни тайёрлагани учун — **иккинчи малака тоифаси**;

вилоят босқичи мусобақаларида ғолиб ва совриндорларни тайёрлагани учун — **биринчи малака тоифаси**;

республика (финал) босқичида ғолиб ва совриндорларни тайёрлагани учун — **олий малака тоифаси**.

9. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов):

а) спорт федерация (ассоциация)лари билан биргаликда икки ой муддатда:

маҳаллаларда оммавий спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳар бир масъулнинг иш фаолиятини тўлиқ баҳолашга қаратилган **рейтинг тизимини жорий этсин**;

ёшлар ўртасида оммавий спорт мусобақаларини оммалаштириш ва уларнинг қизиқишларини кучайтириш мақсадида тажрибали ва таниқли спортчилар иштирокида **мотивацион учрашувлар** ташкил этиш тизимини йўлга қўйсин;

б) Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда 2022 йил якунига қадар **6 миллион нафар ёшларнинг** оммавий спорт тадбирлари билан қамраб олинишини таъминласин.

10. Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев):

уч ой муддатда ёшлар орасида **"Беш ташаббус олимпиадаси"**, оммавий **спортни тарғиб қилувчи материалларни** (буклет, баннер ва бошқалар) креатив воситалардан фойдаланган ҳолда тайёрласин ва **маҳаллаларга тарқатиш чораларини кўрсин**;

ижтимоий тармоқларда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида оммавий спорт мусобақаларини оммалаштиришга қаратилган **мотивацион роликлар тайёрласин**;

Спортни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда оммавий спорт мусобақаларини намунали ташкил этган **ёшлар етакчилари** ва бошқа масъул шахслар учун **ўқув семинарлари ташкил этсин** ва **махсус сертификат** бериш тизимини йўлга қўйсин;

маҳаллаларда мусобақаларни намунавий ташкил этган **ёшлар етакчиларини рағбатлантириш** чораларини кўрсин.

11. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов):

**2022/2023 ўқув йили**дан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг қизиқишлари, талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ҳамда таниқли ва фахрий спортчилар томонидан **камида 1 та спорт тури бўйича тўгараклар фаолиятини ташкил этсин**;

тўгараклар фаолиятини кенг ёритиш ва уларга ўқувчиларни қамраб олиш мақсадида барча умумий ўрта таълим мактабларида **тўгарак жадвали** бўлишини таъминласин;

ҳар бир умумий ўрта таълим мактабида **футбол**, **баскетбол**, **волейбол**, **гандбол** ва **бошқа жамоавий ўйин турлари** бўйича **жамоалар** тузсин ҳамда мунтазам равишда мактаб жамоалари ўртасида мусобақалар ўтказсин;

Спортни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг **йўриқчи-услубчилари** томонидан **ҳар чоракда бир марта** умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига методик ёрдам кўрсатилишини ташкил этсин.

12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошкулов):

2022 йил 1 майга қадар **талабалар спортини** янада ривожлантириш учун олий таълим муассасаларида ташкил этилган **спорт клублари ўртасида мусобақаларни ўтказсин**;

икки ой муддатда **олий таълим муассасаларини спорт турларига ихтисослаштириш рўйхатини** талабаларнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқсин;

амалга оширилган ишлар юзасидан **ҳар чорак якуни** бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқ саломатлиги миллий кенгашига ахборот киритиб борсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **ҳар йили 1 февралга қадар** оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш юзасидан қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

спорт мусобақаларининг республика (финал) босқичлари бўлиб ўтадиган ҳудудлар ва у ерда жойлашган спорт инфратузилмаси объектларини ҳомийлик хайриялари ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни жалб этган ҳолда **талаб даражасида тайёрлаш**;

оммавий спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш учун спорт иншоотларини **спорт жиҳозлари билан таъминлаш**;

оммавий спорт мусобақаларининг маҳалла босқичидан вилоят босқичига қадар ўтказилган мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган иштирокчиларни **1, 2 ва 3-даражали диплом, медаль, кубок, эсдалик совғалари билан тақдирлаш**;

ҳудудларда ташкил этиладиган бошқа спорт мусобақалари туман (шаҳар) ва вилоят босқичи ғолиблари учун **ҳоким совринини таъсис этиш**;

спорт мусобақалари давомида ҳар бир иштирокчининг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини қарор топтириш, уларнинг буюк аждодларимизнинг мардлик ва жасурлик анъаналарини муносиб давом эттиришга қодир инсонлар бўлиб етишишига хизмат қиладиган **маданий-маърифий тадбирлар дастурини амалга ошириш**.

14. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) икки ҳафта муддатда мазкур қарор асосида амалга оширилаётган ишларни оммалаштиришга қаратилган мақолалар, тематик телекўрсатувлар ташкил этиш ҳамда қуйидагиларни назарда тутувчи оммавий спорт мусобақаларини кенг тарғиб қилиш бўйича **медиа-режа ишлаб чиқсин ва амалга оширсин**:

оммавий спорт мусобақаларининг ўтказилиши тўғрисида махсус роликлар тайёрлаш ва эфирга жойлаштириш;

оммавий спорт мусобақаларини янада оммалаштириш бўйича фахрий устозлар ва нуфузли мусобақалар ғолиблари иштирокида туркум кўрсатувларни ташкил этиш;

оммавий спорт мусобақаларида ёшлар томонидан эришилган ютуқлар, шунингдек, оммавий спорт мусобақаларининг ўтказилиш жараёнларини кенг ёритиш ва тарғиб қилиш ишларини мунтазам амалга ошириш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари **бир ой муддатда ҳудудий телеканаллар**, оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифалари, оммавий спорт мусобақалари тўғрисидаги маълумотларни кенг ёритиб бориш бўйича **медиа-режа ишлаб чиқсин ва амалга оширсин**.

15. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов) икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири **А.И.Икрамов**, спортни ривожлантириш вазири ўринбосари **А.У.Аслонов**, Ёшлар ишлари агентлиги директори **А.З.Саъдуллаев**, халқ таълими вазири **Б.О.Саидов**, олий ва ўрта махсус таълим вазири **А.Х.Тошкулов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **ҳар ярим йилда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 11 апрель

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ КОДЕКСИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

1

Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасини одамлар ўз ҳаётида, турмушида ҳис этмоқда. Бу борадаги ишлар янгича йўналишда давом эттирилган ҳолда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, қулайликлар яратиш мақсадида соҳани тубдан такомиллаштириш, энг аввало, соҳанинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш масаласига эътибор тобора кучайтирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 март куни соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан "Тиббиётдаги ислоҳотлар — инсон қадри учун" мавзуида ўтказилган янги форматдаги очиқ мулоқот том маънода мамлакатимизда тиббиёт тизимини янада юксалтириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари раислигида 28 март куни соғлиқни сақлаш соҳасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида 7 та йўналишни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" бажарилишига доир чора-тадбирлар ҳар томонлама муҳокама қилинди, аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Соғлиқни сақлаш ҳамда Адлия вазирликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш кодексининг концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Соғлиқни сақлаш кодексининг концепциясини ишлаб чиқиш бўйича Спикер Н. Исмоилов бошчилигида ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш ва Адлия вазирликлари масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, соғлиқни сақлаш соҳасига доир Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонуности ҳужжатларини ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинган идоравий ҳужжатларни, соғлиқни сақлаш соҳасига оид халқаро ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилинганлик даражасини таҳлилдан ўтказиш, соҳани тартибга солиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш кабилар ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгиланмоқда.

Йиғилишда бу борадаги ишларни ўз вақтида ва самарали ташкил этиш мақсадида Аҳоли соғлиғини сақлаш кодекси концепциясини ишлаб чиқиш бўйича "Йўл харитаси"ни тасдиқлаб олиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари аҳоли соғлиғини сақлашнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослари, фуқароларнинг, уларнинг айрим тоифаларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, фуқаролар томонидан ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш кафолатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ваколатлари, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тиббиёт ходимларининг, фармацевтика ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Аҳоли соғлиғини сақлаш кодекси концепциясида ўз аксини топиши лозимлигини таъкидладилар.

Шу билан бирга, кодексда аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасининг асосий принципларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этиши айтиб ўтилди. Жумладан, фуқароларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқларига риоя қилиш ва ушбу ҳуқуқлар билан боғлиқ давлат кафолатларини таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатишда бемор манфаатининг устуворлиги, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш устуворлиги, фуқаролар ўз соғлиғини йўқотган тақдирда, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, фуқароларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан давлат органларининг ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг, тегишли ташкилотлар мансабдор шахсларининг мажбуриятлари, тиббий ёрдамнинг қулайлиги ва сифати, тиббий ёрдам кўрсатишни рад этишга йўл қўйилмаслиги, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида касалликларнинг олдини олиш (профилактика) устуворлиги ҳамда шифокорлик сирига риоя қилиниши каби принциплар концепцияда белгиланиши кераклиги қайд этилди.

Мазкур концепциянинг сифатли ва пишиқ-пухта ишлаб чиқилиши соҳани тараққий топтириш борасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда муҳим амалий қадам бўлиб хизмат қилади.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш кодексининг концепциясини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ аъзолари олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**

# ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юқори палатасига АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси масъул ходимлари (стафферлар) делегацияси ташриф буюрди.*

## Мулоқот

Бу ерда хорижий делегация аъзолари ҳамда Сенат Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида С. Сафоев хорижлик меҳмонларнинг Ўзбекистонга ташрифидан мамнунлигини билдириб, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва парламент фаолияти билан яқиндан таништирди.

Шундан сўнг томонлар БМТ дастурларининг Ўзбекистонда амалга оширилиши ҳолати ҳамда парламентлараро ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилдилар.

**«Халқ сўзи».**

# МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ БОРИШИ ҚАНДАЙ?

*Ёдингизда бўлса, шу йилнинг 16 март куни Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтган ва унда май ойида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Айни пайтда ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.*

## Сенатор ва ҳаёт

Хусусан, сенаторлар жойларда бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови олдидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида уюштирилди. Сенаторлар Р. Сиддиқов ва С. Суярова мазкур ҳудудда сайловга тайёргарлик кўриш ҳолатини таҳлил қилди. Ўз навбатида, мутасаддиларга туманда сайловга тайёргарлик кўриш, муносиб номзодлар рўйхатини шакллантириш юзасидан кенг тушунтириш берилди.

Бундан ташқари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига ҳар томонлама кўмаклашиш, бу жараёнда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатилишини самарали олиб бориш, санитария-гигиена талаблари ва карантин қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида ҳам сўз юритилди.

Шунингдек, сенаторлар туманда олиб борилаётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, бу борада йўл қўйилган муайян камчиликлар юзасидан тегишли кўрсатмалар берди.

**«Халқ сўзи».**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ЎЗ ПОЗИЦИЯЛАРИНИ БИЛДИРИШДИ

*Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда бир қатор қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинди. Депутатлар айрим ҳужжатлар юзасидан таклифларини илгари сурган ҳолда, ўз тавсияларини ҳам билдирди.*



**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** аъзолари "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 473-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан махсус иқтисодий зона иштирокчилари тасарруфида йилига ўртача 47,9 млрд. сўм иқтисод қилинган маблағ ўз қўлида сақлаб қолинади. Бу орқали тадбиркорларда ушбу маблағларни янги корхоналарни ташкил этиш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтиришга йўналтириш имкони яратилади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди ва уни янада такомиллаштириш бўйича партия нуқтаи назаридан келиб чиқиб, қатор таклифлар берилди.

Фракция йиғилишида "Судлар фаолиятининг рақамлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Депутатлар қонун лойиҳалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Йиғилишда фракция ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** йиғилишида кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Кейинги пайтларда Миллий гвардиянинг жамоат тартибини сақлашдаги ўрни ошиб бормоқда. Аммо уларга жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколати берилмаган. Натижада бу ортиқча ҳужжат айланиши ва фуқароларнинг сарсон бўлишига олиб келяпти.

Қонун лойиҳаси билан Миллий гвардияга ҳам шундай ваколат берилмоқда. Шунингдек, жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни аниқлаш борасидаги ваколати кенгайтирилиб, бу бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қатор ўзгартишлар киритиляпти.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Фракция йиғилишида кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** аъзолари дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Бугунги кунда банк пластик карточкаларидан пул маблағлари ўғрилик йўли билан талон-торож қилиниш ҳолатлари Жиноят кодексининг 169-моддаси (ўғрилик) билан квалификацияланиб келинади. Бу, ўз навбатида, айбдор шахсларга нисбатан етарлича жазо чораларининг қўлланмаётганлиги, уларнинг ахлоқан тузалиш йўлига ўтмаётганлиги ва такроран жиноий фаолият билан шуғулланишига олиб келяпти. Шу сабабли бу каби қилмишлар учун Жиноят кодексининг 168 ва 169-моддаларини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жавобгарликни белгиловчи норма билан тўлдириш таклиф этилган.

Лойиҳа билан ахборот технологияларидан ёки электрон тўлов воситаси ёхуд масофавий хизмат кўрсатиш тизимидан фойдаланиб содир қилинган фирибгарлик жинояти учун жавобгарликни Жиноят кодекси 168-моддасининг учинчи қисмига оғирлаштирувчи ҳолат сифатида киритиш назарда тутилмоқда.

Йиғилишда муҳокама этилган шу ва бошқа қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда таклиф ҳамда муносабатлар билдирилди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида "Судлар фаолиятининг рақамлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди.

Қайд этиш керак, қонун лойиҳаси билан Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекс ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Таклиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчалар туфайли фуқароларнинг судга берилган мурожаатининг натижасини билиш, суд мажлисларида қатнашиш ва суд қарорини олиш учун суд биноларига келиш билан боғлиқ оворагарчиликларининг олдини олиш, мурожаатни кўриб чиқиш жараёнини онлайн кузатиб бориш каби суднинг шаффофлиги ва одиллигини таъминлашга қаратилган бир қатор имкониятлар яратилади. Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси маъқулланди.

Фракция аъзолари йиғилишда муҳокама қилинган бошқа қонун лойиҳалари юзасидан ҳам электорат манфаатидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдирди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** аъзолари дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси билан электрон тижорат иштирокчиларига, уларнинг миллий реестрига киритилган ёки киритилмаганлигидан қатъи назар, фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар берилиши назарда тутилаётир.

Шунингдек, янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерларга юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича имтиёзли давр уч йилдан беш йилга узайтирилиши белгиланяпти.

Қизғин муҳокамалар жараёнида фракция аъзолари қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериб, уни қўллаб-қувватладилар.

Фракция йиғилишида, шунингдек, "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва бошқа қонун лойиҳалари биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# КЕЛАЖАГИМИЗГА ДАХЛДОР МАСАЛА

1 Бу борада бирорта ижтимоий тармоқ, телеграм каналлари, мессенжер газета-журналлар билан беллаша олмайди. Ижтимоий тармоқларнинг кўпчилигини ижодий жамоа эмас, алоҳида шахслар, блогерлар юритади. Шу боис уларда субъективлик, турли миш-мишларга ўчлик, сенсацияга мойиллик яққол сезилади. Газета ва журналларнинг эса ўз муассислари олдида ҳам жавобгарлиги бор. Лекин бозор муносабатлари, сўз эркинлиги, плюрализм ОАВга жуда зиддиятли таъсир кўрсатмоқда, турли талабларни қўймоқда.

Бу талабларга цензура бекор қилиниб, сўз эркинлиги, қонунлар, инсоф, адолат журналистнинг асосий таянчига айланган шароитда бозорнинг матбуот соҳасида ҳам иқтисодий ва ижодий рақобатни вужудга келтирганига нафақат ОАВнинг ўзи, балки на жамият ва на давлат институтлари мослашиши қийин кечмоқда.

Масаланинг иқтисодий жиҳати ҳам бор. Оиланинг "истеъмол саватчаси" ҳисоб-китоб қилинганда, албатта, камида 1 дона газета ёки журналга обуна қиймати ҳам ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ. Бозор иқтисодиёти, рақобат тамойилларини ОАВга нисбатан қўллаш, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, degani эмас. ОАВ тижорат субъектига айланмаслиги керак.

Мақолада Францияда ўсмир болаларни текин обуна қилиш дастури эсланибди. Жуда ибратли тажриба. Болани ёшликдан газета-журнал ўқишга, атрофда — жамиятда, мамлакатда ва жаҳонда юз бераётган воқеаларга бефарқ бўлмасликка ўргатиш, ўқиган нарсасига муайян муносабатни тарбиялаш жуда муҳим. Бу орқали унинг дунёқараши, фуқаролик позицияси шаклланади. Ижтимоий ва сиёсий фаол ташаббускор инсон тарбияланади.

> *Аҳоли, айниқса, чекка ҳудудларда яшайдиган кишилар ОАВдан қанчалик баҳраманд бўлмоқда, умуман, баъзи бир қишлоқларда, мактабларни ҳисобламаса, бирорта газета ва журналга обуна бўлган инсон борми, бор бўлса, неча киши? — ҳеч ким қизиққан эмас. Мутасадди ташкилотлар мазкур масалалар бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиб, мавжуд муаммоларни аниқлаб олиши керак эмасми?*

Телевидение, интернет, ижтимоий тармоқлар, турли видеороликлар, клиплар ва ҳоказолар визуал (кўришга мўлжалланган) маданиятга мансуб. Олимлар аниқлашича, визуал маданият инсонда тасаввур қилиш қобилиятини ривожлантирмас, тайёр манзарани акс эттириб, уни ҳам юзаки, нофаол қабул қилинишига олиб келар экан. Яхши эслаб қолинмаган бир ахборот устига тезда иккинчиси ўрнашиб, аввалгисини ўзлаштиришга имкон бермас, ахборот тезда унутиб юборилар экан. Ўқиш давомида эса сиз бемалол баён этилган маълумотнинг, фикрнинг мағзини чақасиз, муаллиф мулоҳазаларига баҳо берасиз, баъзан у билан хаёлан баҳслашасиз, сизда қандайдир фаразлар, мустақил нуқтаи назар туғилади. Газетага обуна қилдирилган француз ўқувчиларининг уч йилдан кейин ижобий натижалари сезиларли ўсгани ҳам шундан.

Визуал маданият "оммавий маданият" кўриниши, "китобий" маданият, яъни ўқиш эса юксак (элитар) маданият унсури ҳисобланиши бежиз эмас. Янги Ўзбекистонда ёшларни китобхонликка қайтариш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари ўтган йили маънавият ва маърифат масалаларига бағишланган йиғилишда мактаблар ва таълим муассасаларини бир қатор журналлар, қатор газеталар билан таъминлаш зарурлигини таъкидлаган эди. Агар ҳар бир таълим муассасаси ўша нашрларга бир донадан обуна бўлганда эди, бугун улар адади фақатгина таълим муассасалари ҳисобидан ҳам анчагина ошган бўлар эди.

Газета ўқимай қўйганимиз туфайли аҳолининг аксарияти қабул қилинаётган қонунлар, Президент фармонлари, қарорлари, ҳукумат қарорлари мазмунидан, ҳатто шундай ҳужжат қабул қилинганидан ҳам етарлича хабардор эмас. Фақат телевидение орқали бериладиган маълумот билан кифояланади. Агар телевидениеда ҳужжатга шарҳ берилса, талқин қилинса, аксарият томошабин бошқа каналдан ҳинд фильмларинимι, турк сериалларинимι ёки шунга ўхшаш енгил-елпи кўнгилочар кўрсатувни излаши ҳам бор гап.

Аҳоли, айниқса, чекка ҳудудларда яшайдиган кишилар ОАВдан қанчалик баҳраманд бўлмоқда, умуман, баъзи бир қишлоқларда, мактабларни ҳисобламаса, бирорта газета ва журналга обуна бўлган инсон борми, бор бўлса, неча киши? — ҳеч ким қизиққан эмас. Мутасадди ташкилотлар мазкур масалалар бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиб, мавжуд муаммоларни аниқлаб олиши керак эмасми?

Одамларнинг газета ва журналларга обуна бўлишдан безишида почта хизматининг ҳам айби бор. Бу ўринда гап фақат почта хизматининг обуна баҳосидаги улуши катталигида эмас. Гап, шунингдек, почта обуначиларга шаҳарларда ҳафтасига 1-2 марта, қишлоқ жойларида икки ҳафтада бир марта обунани етказиб беришида! Обуначиларга кўрсатиладиган хизматни яхшилаш, соҳада рақобатни вужудга келтириш учун яхши ниятлар билан почтадан ташқари яна "Матбуот тарқатувчи" ва бошқа тузилмалар жорий қилинган эди. Натижа амалда тескари бўлди. Чунки шусиз ҳам обуначилар сони кескин камайиб кетгани боис, нашрларни етказиб берувчиларнинг баъзиларига бутун кўча ёки маҳалла бўйича бир-икки мижоз топилди, холос. Бу бир-икки мижоз учун почтальон ёллаш ёки бир почтальонни ҳар куни шаҳарнинг у четидан бу четига, у қишлоқдан бу қишлоққа арзимаган маош учун жўнатишнинг иложи топилмади. Почтальонлар ҳар куни яёв ёки велосипедда 20 — 25 километр йўл босиб, газета тарқатишдан воз кеча бошлади. Бора-бора газета журналлар қишлоқ жойларда 2 ҳафтада бир марта тарқатиладиган бўлиб қолди. Бу эса газетхонларнинг ранжишидан бошқасига олиб келмади — улар сони йилдан-йил камайиб кетаверди. "Мажбурий" обуна бекор қилингач эса аҳвол янада оғирлашиб кетди. Балки ҳозирги шароитда обуначиларга газета ва журналларни етказиб беришнинг янги шаклларини топган маъқулдир?..

Баъзи мутасаддилар билан фикр алмашсангиз, замонавий ахборот технологиялари, компьютер, планшетлар шароитида босма ОАВ йўқолиши табиий дейди. Бундай фикрларга Ўткир Раҳмат мақоласида жавоб қайтарган. Унга биз визуал ва китобий маданият ҳақидаги мулоҳазаларни қўшимча қилдик.

Яна бир масала, газета ва журналларнинг ҳамда китобларнинг нархи масаласи. Менимча, ҳар бир нашр икки вариантда — бири сифатли қоғозларда, рангли чоп этилиши, иккинчиси, оддий қоғозларда нисбатан арзон нархларда чиқарилиши мақсадга мувофиқ. Обуначи ва китобхон қайсини чўнтаги кўтарса, ўшани танласин. Бундан ташқари, болалар учун мўлжалланган матбуотга давлат дотацияси расмий жорий қилинишини ҳаёт тақозо этмоқда. Тармоқ матбуотига тегишли муассислар, имкон топса, ўз ҳисобидан дотация бериб борсин.

Интернет, телеграм каналлари, ижтимоий тармоқлар ахборот бозорини тубдан ўзгартириб юборгани, босма матбуот бунга етарлича мослаша олмаётгани ҳам бор гап. "Ҳар кунги мўъжиза". У тизимли ислоҳотларга муҳтож" мақоласида таъкидланганидек, журналистларни ихтисослаштириш, баъзи соҳа вакилларидан ёзув-чизувга мойилларини журналистикага тортиш лозим.

Таҳлилий мақолалар ёзиш — масаланинг бир томони. Фақат бу билан чекланиш кифоя қилмаса керак. Газета ҳар ҳолда илмий-оммабоп ёки ижтимоий-сиёсий публицистик нашр эмас. Ўқувчининг ранг-баранг эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиш керак. Масаланинг иккинчи томони нимадан иборат эканини ҳар бир нашр ўзи учун ўзи ҳал қилиши лозим. Сир эмас, расмий мақомдаги газеталар жуда ўхшаш, ўзаро кам фарқ қилади. Шундай экан, ҳар қайси нашрнинг бошқаларда учрамайдиган, ўқувчига қизиқ саҳифалари бўлмоғи лозим. Биз адабиёт, санъат ҳақида кўп гапирамиз. Ижод мактаблари, санъат мактаблари, санъатга ихтисослаштирилган академик лицейлар ва ўқув муассасалари ташкил этилди, нодавлат ва хусусий киностудиялар, телеканаллар кўпаймоқда. Аммо, ажабланарлиси, вақтли матбуотда, баъзи махсус нашрларни ҳисобга олмаганда, адабий ва бадиий танқид рукнлари деярли кўзга кўринмайди. Намойиш этилаётган кинофильмлар ва телефильмлар мазмуни, бадиий қиймати, театрлардаги ижодий ҳаёт зиддиятли кечаётгани ҳам мутасаддилар эътиборидан четда қолмоқда. Санъатнинг бадиий савияси тушиб кетяпти. Бутун миллатнинг, ёш авлоднинг диди бузилиб бораётир. Газеталар ҳар бир спектаклга, фильмга, тасвирий санъат асарлари кўргазмасида намойиш этилган суратларга, адабий асарга ўзининг принципиал баҳосини бериши, зарур ҳолларда баҳс-мунозаралар очиши керак эмасми?

Қолаверса, газеталаримиз саҳифаларида сиёсий шарҳлар ҳам кам. Дунёда кечаётган воқеаларга, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий можароларга ўзбекистонликларда муносабат шаклланмаслиги керакми? Лекин юртдошларимиз интернет, хориж радиостанциялари, телеканаллари, ижтимоий тармоқлар орқали воқеалардан воқиф. Аксарияти ўша манбалар шарҳини, баҳосини нотанқидий қабул қилмоқда. Савол туғилади: Ўзбекистон аҳолиси сиёсий қарашларини, онгини биз шакллантиришимиз керакми ёки хориж мафкура полигонлари?

Расмий газеталаримизда ўқувчибоп норасмий қизиқ материаллар ҳам чоп этилиши, аммо бу билан улар мавзуни ҳам, услубни ҳам, оҳанг ва урғуни ҳам тўғри топа олишлари шарт. Хуллас, аҳолини яна қайта газетхон қилиш учун комплекс чоралар кўрилиши лозим: давлат божхона ва солиқ тўловларидан имтиёзлар, расмий ва болалар матбуотига дотация бериши, почта хизматини тартибга олиши, таҳририятлар кадрлар танлашни, ижодий мавзу ва баён услубини, газетхонларни жалб этиш учун учрашувлар, турли жонли қизиқарли тарғибий-ташвиқий тадбирларни кўпайтириши, журналистлар таркибини мустаҳкамлаши лозим. Жамият ва давлат бу борадаги сиёсатга нисбатан ҳам, таҳририятлар ишига ҳам бефарқ бўлмаслиги керак.

**Абдураҳим ЭРКАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

12 апрель — Бутунжаҳон авиация ва космонавтика куни

# ЯПОНЛАРНИНГ ЭЪТИРОФИ
## ёки астероидга нима учун «Майданак» номи берилган эди?

*Роппа-роса 65 йил аввал Ер сайёрасининг биринчи сунъий йўлдоши учирилиши билан цивилизация тарихида космосни ўзлаштириш даври бошланганди. Шундан бери бу жараён изчил давом этиб келмоқда. Бинобарин, бугунги кунда мамлакат хавфсизлиги ва мудофаасини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ер ости бойликларининг захираларини топиш ва бошқа кўплаб масалаларни ҳал этишда космик технологияларнинг ўрни ортиб боряпти. Айтайлик, биргина қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда масофавий зондлаш, ҳосилнинг етилганлигини, катта ҳудудлардаги суғориш майдонларини, ҳатто тупроқ ҳосилдорлигини аниқлашда ҳам космик технологиялар асқатади. Қолаверса, сунъий йўлдошларга асосланган алоқа тизими туфайли чекка-чекка ҳудудларга ҳам телевидение, мобиль телефон алоқаси ва интернет кириб бориши ҳаёт тарзини кескин ўзгартириб юборди.*

Бугун исталган манзилни топиб боришда қўл телефонига ўрнатилган навигатор ҳеч кимни ҳайратга солмай қўйди ҳам. Ваҳоланки, атиги ўн йил олдин сунъий йўлдошларга телефон орқали уланиб, шаҳарларнинг энг ичкари кўчаларида адашмасдан юриш мумкинлиги афсонадек туюларди.

Ушбу соҳа аҳамиятини чуқур англаган Шавкат Мирзиёев мамлакат раҳбари этиб сайланган кунларидаёқ, биринчи навбатда ҳал этилиши керак бўлган зарур масалалар қаторида космик соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берди. Бундан Ўзбекистоннинг иқтисодиёти, фани ва ижтимоий соҳаси барқарорлигини таъминлаш, космик соҳанинг илмий-техник салоҳияти ҳамда инфратузилмасидан самарали фойдаланиш, тармоқларга инновацион космик технологияларни жорий этиш каби мақсадлар кўзланган.

Космосга учган биринчи инсон — Юрий Гагарин парвозининг 50 йиллиги 2021 йилда кенг нишонланди. Мамлакатимизда ҳам бу муҳим санага бағишланган қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Президентимиз топшириғига кўра, Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани маркази — Гагарин шаҳрида Космонавтика музейи барпо этилди. Унинг очилиш маросимига таниқли космонавт-учувчилар ҳам ташриф буюрди.

Аслида, мазкур воқеа тарихи бундан бир неча йил олдин бошланган эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан "Обод қишлоқ" дастури миқёсида халқимизнинг, айниқса, чекка жойларда истиқомат қилувчи ватандошларимизнинг яшаш ва меҳнат шароитларини тубдан яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш, ҳордиқ чиқаришлари учун боғу хиёбонлар барпо этиш, уларнинг фарзандларига мусиқа ва спорт иншоотлари билан жиҳозланган мактабларда ўқиш имконини яратиш каби кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Ана шундай чекка жойлардан бири — Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманидаги Гагарин шаҳри эди. Шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, дунёда биринчи космонавт Юрий Гагарин номига қўйилган иккита шаҳар бор — биринчиси, унинг ватани Россиянинг Смоленск областида бўлса, иккинчиси — Ўзбекистонда. Бу ерда 2018 йилдан бошлаб кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 94 та хонадондан иборат тўртта кўп қаватли ва 223 та якка тартибдаги уйлар қурилди. 176 та кўп қаватли уй ва 35 та кўча таъмирланди, 38 та болалар майдончаси бунёд этилди. Илгари бирон саноат корхонаси бўлмаган шаҳарда 2019 йилда иккита йирик тўқимачилик корхонаси, шифер, газобетон буюмлар ва пластмасса идишлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг халқимиз ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни келажакда эмас, балки бугун кўриши керак, деган сўзларининг амалга оширилиши нафақат шаҳар аҳолисини, балки болалиги ва ёшлиги шу шаҳарда ўтган, ўзгаришларни таққослашга ҳамда бу ишларга холис баҳо беришга қодир чет эл фуқароларини ҳам бефарқ қолдирмади.

Сайёрамизнинг биринчи космонавти номини олган шаҳардаги бу музей мамлакатимиздаги космонавтикага бағишланган илк музей бўлди. Масканнинг экспозицияларида иқтидорли ватандошларимиз, олим ва муҳандис-конструкторларимизнинг космос билан боғлиқ соҳа ривожига қўшган ҳиссаси акс эттирилган. Ана шундай ватандошларимиздан бири — космонавтика соҳасига катта ҳисса қўшган инженер-полковник, авиаконструктор Ота Баҳромов бўлган. У 1955 йилдан космонавтларнинг хавфсизлиги, қутқарув ва ҳаётини таъминлаш воситалари конструкторлик бюросини бошқарган. Айнан у раҳбарлик қилган бюрода космосга учиш учун герметик кабина-капсулалар яратилган. Бундан ташқари, катапульталанувчи ўриндиқлар ҳам яратилган. О. Баҳромов хизмат юзасидан кўплаб космонавтлар билан таниш эди, чунки скафандрлар, парвоз капсулалари ва бошқа анжом-аслаҳалар индивидуал тайёрланар эди.



О. Баҳромов пенсияга чиққанидан сўнг Тошкентга қайтиб, "Кибернетика" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга жойлашди. У бемақсад вақт ўтказишга ўрганмаган эди. Бу ерда у пневматик тизимли, контаксиз пахта териш машинасини яратишга киришади. Гап шундаки, амалда ишлатилаётган шпинделли машиналар пахта толасига шикаст етказар, шунинг учун мутлақ бошқа тамойилда ишловчи машиналар зарур эди. Ўзбекистонда яратилган ва пахта майдонларида синаб кўрилган янги пахта териш машинаси ижобий натижалар берди.

Аксарият ўқувчиларимизга яхши маълум бўлмаган яна бир иқтидорли ватандошимиз, техника фанлари доктори Рашид Отахонов ўтган асрнинг 80-йилларигача космосга оқ-қора тасвирлар узатилишига чек қўйди. Яъни у олис масофаларга рангли тасвирларни узатиш ва қабул қилиш усулларининг назарий асосларини ишлаб чиқди. Унинг 1983 йилда яратган "Кодер-декодер-5" қурилмаси "Салют-7", "Союз-9", "Союз-10" ва "Союз-11" орбитал космик станцияларида муваффақиятли синовдан ўтган. Айнан ўша пайтдан бошлаб космонавтлар ҳатто очиқ космосда ишлаётган ҳолатларида ҳам парвозни бошқариш марказидан рангли форматдаги йўриқномаларни олишган, бу эса улар фаолиятининг самарадорлигини кескин оширган.

1997 йилнинг ёзида ўзбек йигити Солижон Шарипов Американинг кўп марта фойдаланиладиган "Space Shuttle" космик кемаси бортида парвозга тайёргарлик кўриш учун АҚШга юборилади. 1998 йилнинг 22 — 31 январь кунлари у "Endeavour" космик кемасида америкалик астронавт Лерой Чиао билан 8 кун 19 соат 47 дақиқа давом этган илк парвозини амалга оширади. Парвоз пайтида "Space Shuttle" билан Россиянинг "Мир" орбитал станциясини туташтириш амалга оширилган.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу музей ёшларни ватанпарварлик, ота-боболарининг ишлари учун фахрланиш руҳида тарбиялашга, уларда фан ва техникага қизиқиш уйғотишга хизмат қилади. Ўзининг ақлу заковати билан космонавтика соҳаси ривожида сезиларли из қолдирган ватандошларимиз ҳақидаги ҳикоямизни яна давом эттиришимиз мумкин. Лекин бу масалалар билан қизиққан ўқувчиларни шу мавзуга бағишланган "Фан ва турмуш" журналининг махсус сонлари (2021 йил № 1-2) билан танишишга таклиф этган бўлардик.

Энди бугунги кундаги янгиликларга тўхталсак, 2010 йили Японияннинг "JAXA" космик агентлигида оламшумул лойиҳани амалга оширишга муваффақ бўлинди. Гап шундаки, ушбу лойиҳа доирасида "JAXA" 2010 йилда "Хаябуса-1" космик кемасининг Итокава астероидига парвозни амалга ошириб, астероиддан тупроқ намуналарини ерга етказган эди. Ойдан минглаб марта узоқроқ масофада жойлашган астероиддан тупроқ олиб келиниши жаҳон космонавтикаси ривожига қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Лойиҳанинг яна бир муҳим томони шундаки, астероидлар моддасини ўрганиш фан учун катта аҳамиятга эга. Мураккаб геологик жараёнларга чалинмаганлиги туфайли астероидларнинг моддаси бундан бир неча миллиард йил олдинги ҳолатини сақлаб қолган ва сайёралар, хусусан, ер пайдо бўлган протопланетар булут материяси тўғрисида муҳим маълумотлар олинди.

Халқаро астрономия иттифоқи Япониянинг космонавтика ривожига қўшган улкан ҳиссасини эътироф этиб, 2012 йилда бир қатор астероидларга "Хаябуса-1" миссиясини муваффақиятли амалга оширган япон олимлари, муҳандислари ва конструкторлари номини бериш учун квота ажратади. Махсус комиссия тузилиб, номзодларни саралаш ишлари қизғин бошланиб кетди. Шунда япониялик астрономлар комиссия аъзоларини таажжубга солиб, ажратилган астероидлардан бирига Ўзбекистондаги Майданак обсерваторияси номини беришни таклиф этишади. Ажратилган ҳар бир квотага бир нечтадан японияликлар тўғри келиб турган бир пайтда Ўзбекистондаги обсерватория номини бериш ҳақиқатан ҳам таажжубланарли ҳол эди. Лекин япониялик астрономлар ўзларининг таклифларини шунчалик асослаб беришдики, уларнинг таклифи қабул қилинди ва 22948-сонли астероидга "Майданак" номи берилди. Шу тариқа японияликлар ўзбек астрономларининг "Хаябуса-1" миссиясини амалга оширишга қўшган ҳиссасини юксак эътироф этди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, космик кема парвозини муваффақиятли амалга ошириш учун унинг траекториясини Ердаги обсерваториялардан олиб борилган кузатувлар асосида мунтазам равишда тўғрилаб бориш керак. Бир тасаввур қилиб кўринг-а, астероид томон бир неча йил парвоз этиб, космик аппарат учрашув нуқтасига атиги бир соатга кечикиб борса астероид бир неча минг километр узоқлашиб кетади. Ва лойиҳа амалга ошмай қолади. Ноёб астроиқлими ва қулай географик жойлашувга эга Майданак обсерваториясида астрономларимиз Итокава астероидини юқори сифатли кузатув натижалари (осмон координаталари) билан таъминлаш орқали "Хаябуса-1" миссиясининг муваффақиятига ўзининг камтарона ҳиссасини қўшдилар.

Бу муваффақиятдан илҳомланган Япония космик агентлиги 2019 йилда яна битта Рюгу (162173) астероидига "Хаябуса-2" сайёралараро космик кемасини учириб, 2021 йилда ундан ҳам тупроқ намуналарини келтирди. Бу сафар ҳам ўзбекистонлик астрономлар Майданак обсерваториясидан зарурий кузатишларни амалга оширишди. Шу йилнинг март ойида Япониядан Астрономия институти ходимлари номига "JAXA"дан ташаккурнома ("Honor award") келди. Бу ўзбек олимларига халқаро доирада берилаётган баҳога яққол мисол бўла олади, назаримизда.

**Шуҳрат ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**ЎзР ФА Астрономия институти директори, академик.**

# МИЛЛАТ ҒУРУРИНИНГ ТИМСОЛИ

1 — Адолат кучда эмас, куч адолатдадир, деган шиор Амир Темур салтанатининг барча ҳудудида ахлоқий-маънавий мезонга айланган, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. — Улуғ аждодимиз ўз тузукларида "...амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нима олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғсинлар", деб ёзади. Ана шундай адолат асосида ўрнатилган тартиб-таомиллар мамлакатда тинчлик-осойишталикни таъминлаган, одамларни ҳалол меҳнат қилишга, тадбиркорлик, яратувчанлик руҳи билан яшашга ундаган.

Тадбир доирасида Темурийлар тарихи Давлат музейига саёҳат қилинди. Янги очилган "Темурийлар даври маданияти рассомлар ижодида", "Янги Санганак хазинаси" номли кўргазмалар иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди. Шунингдек, "Соҳибқирон Амир Темур — буюк давлат арбоби ва моҳир стратег" мавзуида илмий анжуман ҳам ташкил этилди.

# ҲАҚИҚАТ МАЁҒИНИ БАЛАНД КЎТАРГАН ИЖОДКОР

*Ўзбек романчилигининг асосчиси, севимли адибимиз Абдулла Қодирий таваллудига 128 йил тўлди. Сана муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси, аъзолари — ёзувчи-шоирлар, адабиётшунослар пойтахтимиздаги Камолон қабристонидаги адибнинг рамзий қабрини зиёрат этди. Қуръон тиловат қилинди. Ёзувчининг асарлари ёдга олинди.*

— Абдулла Қодирий ҳақиқат маёғини баланд кўтариб яшаган ижодкор ҳамда халқига, миллатига ҳамиша фидойилик кўрсатган инсондир, — дейди филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов. — Фикримча, Қодирийни билмаган инсон ўзини билмаган, миллатини танимаган инсондир, Қодирийни унутган одам халқининг ўтмишини ва келажагини унутган одамдир. Бугун буюк ёзувчимиз қабри бошида шуларни ўйлар эканман, юрагимда, руҳимда Қодирийга бўлган муҳаббат яна бир қадар ошди.

Сана муносабати билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги таълим масканлари ҳамда ёзувчининг уй-музейида адабий-маърифий тадбирлар ташкиллаштирилди. Қодирий уй-музейида бўлиб ўтган ана шундай тадбир ҳам Қодирий сиймосини англашга, уни ўқиш ва ўрганишга ташланган яна бир қадам бўлди, десак, муболаға эмас.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 31 726 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.04 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6